

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 267-ҳадис

267 - عَنْ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنَّا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سِتَّةَ تَفَرٍّ، فَقَالَ الْمُشْرِكُونَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: اطْرُدْ هَؤُلَاءِ لَا يَجْتَرِئُونَ عَلَيْنَا، كُنْتُ أَنَا وَابْنُ مَسْعُودٍ وَرَجُلٌ مِنْ هُدَيْلٍ وَبِلَالٌ وَرَجُلَانِ لَسْتُ أُسَمِّيهِمَا، فَوَقَعَ فِي نَفْسِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَفْعَ، فَحَدَّثَ نَفْسَهُ، فَأَنْزَلَ اللَّهُ تَعَالَى: {وَلَا تَطْرُدِ الَّذِينَ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ بِالْعَدَاةِ وَالْعَشِيِّ يُرِيدُونَ وَجْهَهُ} [الأنعام: 52]. رَوَاهُ مُسْلِمٌ. [2413/46].

267. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга олти киши эдик. Мушриклар Набий соллаллоху алайҳи васалламга: «Анавиларни ҳайдаб юбор, биз (билан бирга бўлиш)га журъат қилишмасин», дейишди. Мен, Ибн Масъуд, ҳузайллик бир киши, Билал ва яна икки киши эдик, уларнинг исмини айта олмайман. Шунда Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг кўнгилларига Аллоҳ хоҳлаган бир нарсалар келиб, уни хаёлларидан ўтказган эдилар, Аллоҳ азза ва жалла «Эртаю кеч Роббларига Унинг важҳини истаб дуо қилаётганларни ҳайдама»^[1] оятини нозил қилди».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Бу ривоятда Саъд ибн Аби Ваққос розияллоху анху хабар беришларича, у киши ўзи бир жамоа заифҳол мусулмонлар билан бирга Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг ёнларида бўлар, у зотдан таълим олишар ва бу ҳол бир гуруҳ мутакаббир мушрикларнинг тинчини бузар экан. Шу боис, улар ўзларига бўйин товлайдиган бўлиб кетмасин дея Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламдан ушбу заифҳол кишиларни ҳайдаб юборишларини сўрашибди. Эҳтимол, мушриклар Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламга агар уларни ҳайдаб юборсалар, у Зот билан бирга ўтиришга, динларига киришга ваъда бериб, у Зотни алдамоқчи

бўлишгандир. Нима бўлмасин, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мушрикларнинг таклифни қабул қилишни ўйлаб, ҳаёлдан ўтказдилар. Қалбларида уларнинг талабларига кўнишга бироз мойиллик ҳам пайдо бўлиб, заифҳол кишиларга алоҳида мажлис қилиб, обрўли кишилар учун бошқалар аралашмайдиган алоҳида бир мажлис қуришни ўйладилар ва буни даъват ишларининг ривож топиши ва мазкур обрўли кишиларнинг Исломига киришини кўзлаб қилмоқчи эдилар. Лекин Аллоҳ буни тўғрилаб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу фикрни амалга ошириб, ижро этмасларидан олдин у Зотнинг дилларидан уни кетказди ва у Зотга Анъом сурасидаги мазкур оятларни нозил қилиб, у Зотни заифҳол мусулмонларни нари қилишдан қайтарди ва мутакаббир мушрикларнинг қарашлари ва мезонлари хато эканини айтди.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг мазкур оятларнинг нозил бўлиш сабалари ҳақида айтган сўзлари.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Қурайшнинг бир гуруҳ аъёнлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларидан ўтиб қолишди. У Зотнинг ҳузурларида Хаббоб, Суҳайб, Билол ва Амморлар бор эди. Улар: «Эй Муҳаммад! Қавмингдан мана шуларга рози бўлдингми? Уларни ҳайдаб юбор. Агар уларни нари қилсанг, эҳтимол, биз сенга эргашиб қолармиз», дейишди. Шунда Аллоҳ таоло улар ҳақида ўзининг қуйидаги сўзларини нозил қилди:

«У билан Роббилари ҳузурига тўпланишларидан хавф қиладиганларни огоҳлантир! Уларга ундан ўзга валий ҳам, шафоатчи ҳам йўқ. Шоядки, тақво қилсалар. Эртаю кеч Роббиларига Унинг юзини истаб илтижо этаётганларни ҳайдама! Уларнинг ҳисоб-китобидан сенинг зиммангда ҳеч нарса йўқ. Сенинг ҳисоб-китобингдан уларнинг зиммасида ҳеч нарса йўқ. Уларни ҳайдаб, золимлардан бўлиб қолмагин. «Ичимизда Аллоҳ марҳамат кўрсатганлар шуларми?», дейишлари учун уларни бир-бирлари билан мана шундай синаймиз». (Анъом сураси, 51–53-оятлар.)

Демак, Ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг ривоятига кўра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мушрикларнинг талабларига рози бўлишга мойил бўлмай туриб, Аллоҳ таоло мазкур оятларни нозил қилиб, у зотни заифҳол мусулмонларни нари қилишдан, мушрикларнинг таклифларини қабул қилишдан қайтарган.

Энди ўша вазиятда нозил бўлган мазкур оятларни бир кўриб чиқамиз.

Аллоҳ таолонинг заифҳол мусулмонлар хусусида Ўз Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга берган кўрсатмаси;

Мўминларнинг иймон ва тақволари янада зиёда бўлиши учун Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга уларни Қуръон билан огоҳлантиришни буюрмоқда. Аллоҳ таоло уларни қиёмат кунига иймон келтирадиган, ҳашрдан ва у кунда Аллоҳ таоло олдида тик туришдан хавфда бўладиган ва улардан Аллоҳ таолонинг азобини даф қиладиган Ўзидан ўзга валий ҳам, воситачи ҳам йўқ эканини яхши биладиган ва шунинг учун ҳам солиҳ амаллар қиладиган ва Қуръон билан огоҳлантирилса, фойда қиладиган кишилар деб васфламоқда:

«У билан Роббиларига тўпланишларидан қўрқадиганларни огоҳлантир. Уларга ундан ўзга валий ҳам, шафоатчи ҳам йўқ. Шоядки, тақво қилсалар».

Аллоҳ Ўз Расулини ўша солиҳ мўминларни Қуръон билан огоҳлантиришга буюргач, уларни мутакаббир мушрикларнинг гапига кириб, ҳайдаб юборишдан қайтаради:

«Эртаю кеч Роббиларига Унинг юзини истаб дуо этаётганларни ҳайдама! Уларнинг ҳисоб-китобидан сенинг зиммангда ҳеч нарса йўқ. Сенинг ҳисоб-китобингдан уларнинг зиммасида ҳеч нарса йўқ. Уларни ҳайдаб, золимлардан бўлиб қолма».

Аллоҳ таоло уларни Парвардигорларига куну тун тазарру қиладиганлар деб мақтамоқда. Яъни улар эртадан кечгача Аллоҳга ибодат қиладилар, Унинг учун намоз ўқийдилар, Уни зикр қиладилар, шундай қилиб, улар обид, намозхон ва зокир банда ўлароқ кун бўйи Аллоҳ билан бирга бўладилар. Улар бу дуо ва ибодатларини ихлос билан, фақат Аллоҳ таолонинг розилигини истаб қиладилар, бирор бир дунё матосини кўзламайдилар.

Аллоҳ таоло таоло томомнидан айтилган ушбу мақтовлар уларни ҳайдашдан, чиқариб юборишдан қайтарилишининг асосий боиси эди. Улар ушбу сифатлари билан иззат-икромга ва эҳтиромга лойиқдирлар, ҳайдаб юборишга эмас. Улар гарчи ҳеч қандай дунё матосига эга бўлмасалар ҳам, мазкур сифатлари билан анави зодагон, кибор мушриклардан афзалдирлар.

Ояти каримада яна Аллоҳ таоло Ўз Расулига ушбу заифҳол мўминларнинг ошкораю яширин феъллари туфайли ҳисоб қилинмаслигини, чунки уларнинг ҳисоб-китоблари Аллоҳ зиммасида эканини эслатмоқда. Бу ҳам уларни ҳайдашдан қайтаришнинг сабаблардан биридир:

«Уларнинг ҳисоб-китобидан сенинг зиммангда ҳеч нарса йўқ. Сенинг ҳисоб-китобингдан уларнинг зиммасида ҳеч нарса йўқ».

Бордию у Зот алайҳиссалом бу бечора мўминларни нари сурадиган бўлсалар, золим бўлиб қоладилар, чунки уларни ҳайдаш зулмдир:

«Уларни ҳайдаб, золимлардан бўлиб қолма».

Мазкур қайтариқ муносабати билан ояти карималар заифҳол мўминлар билан мутақаббир кофирларни Аллоҳ таоло синашини ҳам хабар қилади. Бу уларнинг мўминларга ҳасад қилишлари, уларни ҳақир санаб, фазилату ҳурматда, мақому мартаба ўзларидан паст деб билишларида намоён бўлди. Шу боис улар инкор оҳангида шундай деб савол беришди: «Ичимизда Аллоҳ марҳамат кўрсатганлар манави хору зор бечоралар эканми? Буларнинг Аллоҳ наздида биздан афзал бўлиши ақлга сиғадими?»

Бунга жавобан Аллоҳ таоло шундай дейди:

«Ичимизда Аллоҳ марҳамат кўрсатганлар шуларми?», дейишлари учун уларни бир-бирлари билан мана шундай синаймиз»

Мушрикларнинг ҳайратли саволларига Аллоҳ таоло «Ҳа, шундай», деб жавоб берди. Уларнинг ичидан ўша заифҳол мўминларга марҳамат кўрсатди. Уларга бундай илтифот бўлиши ва уларни ортиқ қилинишининг асосий сабаби - уларнинг Аллоҳ таолога шукр бажо келтиришлари, У Зотга гўзал бир тарзда ибодат этишлари, амалларини холис Ўзи учун қилишлари эди:

«Аллоҳнинг Ўзи шукр қилувчиларни яхши билгувчи эмасми?»

Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни мушрикларнинг талабларини қабул қилишдан қайтарар экан, у Зотни мўминларни янада иззат-икром қилишга, ҳузурларига келишганида уларга салом беришга ва уларга Аллоҳ таолонинг ризоси, раҳмати ва мағфиратининг башоратини беришга буюрди. Токи улар Аллоҳга ибодатни кўпайтириб, У Зотнинг тоатида яна ҳам жўшқин бўлсинлар, тавба-истиғфорни кўпайтирсинлар:

«Агар ҳузурингга оятларимизга иймон келтирадиганлар келсалар: «Сизларга салом бўлсин, Роббингиз Ўз зиммасига раҳматни ёздики, сиздан ким жаҳолат ила ёмонлик қилса, сўнгра ундан кейин тавба қилса ва ислоҳ қилса, бас, албатта, У ўта мағфиратли ва жуда ҳам раҳмлидир», деб айт».

Бу буйруқнинг Каҳф сурасида ҳам таъкидланиши:

Анъом сурасидаги оятлар маъноси Каҳф сурасининг икки оятида ҳам таъкидланди:

«Ўзингни эртаю кеч Роббиларига Унинг юзини истаб дуо қилгувчилар билан бирга тут! Дунё ҳаётининг зийнатини истаб, улардан кўзларингни бурма! Қалбини Ўз зикримиздан ғофил қилиб қўйганларимизга ва ҳавойи нафсига эргашиб иши издан

чиққанларга итоат қилма. Сен: «Ҳақ Роббингиз томонидандир. Бас, ким хоҳласа, иймон келтирсин, ким хоҳласа, куфр келтирсин», дегин. Албатта, Биз золимларга саробурдаси* уларни ўраб оладиган оловни тайёрлаб қўйганмиз. Агар ёрдам сўрасалар, эритилган мис каби юзларни қовурувчи сув билан «ёрдам» берилади. Қандай ҳам ёмон ичимлик ва нақадар ёмон жой!» (28-29-оятлар).

* «Саробурда» – чодирнинг атрофини ўраб турадиган қурилма. Унинг эшиги бўлиб, чодирга у орқали кирилади.

Абу Бакр розияллоху анху заифҳол мўминлардан узр сўрайдилар

Саҳобалар розияллоху анхум бу раббоний буйруқни чуқур англадилар. Улар заифҳол мўмин-мусулмонларни ҳурматлар, фазилатларини қадрлар, мутакаббир мушриклардан устун кўрар ва ранжитмасликка ҳаракат қилишар эди. Бу ҳақда иккита ҳодисани эслаш билан кифояланамиз. Уларнинг бири Абу Бакр розияллоху анху билан, иккинси Умар ибн Хаттоб розияллоху анху билан боғлиқ.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху билан боғлиқ воқеъа кейинги ҳадисда зикр қилинади.

Умар розияллоху анху Исломга илгарироқ кирганларни муқаддам кўярди;

«Умар ибн Хаттоб розияллоху анху мўминлар амири бўлиб турган кезлари мусулмонлардан икки гуруҳ у кишининг олдиларига киришга изн сўрашди. Бири Исломга биринчилардан бўлиб кирган Билол, Салмон Форсий ва Суҳайб розияллоху анхумдан иборат бўлса, иккинчи гуруҳ Исломга кейин кирган, мусулмон бўлишларидан аввал зодагонлардан ҳисобланган Абу Суфён, Суҳайл ибн Амр ва Икрима ибн Абу Жаҳл розияллоху анхумлар эди. Умар розияллоху анху фазлу ҳурматда кейингилардан устун бўлганлари эътиборидан Исломга биринчи бўлиб кирган кишиларга изн бериб, уларни ўз мажлисига киритди. Мазкур учта раҳбар эса эшик олдида кутиб қолаверишди, уларга изн берилмади. Бу ҳол Абу Суфён розияллоху анхуга қаттиқ таъсир қилди, буни ўзининг улуғлигига номуносиб деб билди ва биродарларига: «Бугунгидек хорлик кўрмаганман. Қандай қилиб биздан олдин манави бу қулларга изн беради?» деди. Шунда Суҳайл ибн Амр ҳакимона жавоб берди: «Биз ўз жонимизга жафо қилганмиз. Улар ҳам, бизлар ҳам Исломга даъват қилиндик. Улар дарҳол «Лаббай» деб Исломга кирдилар. Биз эса кечикдик. Қиёмат куни жаннатга ҳам сизлардан олдин чорлансалар, ҳолингиз қандоқ бўларкин? Олдимизда фақат бир йўл бор. У ҳам бўлса, Аллоҳнинг йўлида жиҳодга чиқишимиз, шояд, шаҳидлик мақомига илиниб қолсак», деди. Улар Шомга қараб юрдилар ва Ярмук жангида қатнашдилар. У ерда қаттиқ синовларга дуч келишди, Икрима ибн Абу Жаҳл ва Суҳайл ибн Амр розияллоху анхумолар шаҳид бўлдилар».

Баҳсимизга хулоса ясар эканмиз, юқоридаги сўзлардан шу нарса маълум бўладики, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам заифҳол мусулмонларни ҳайдамаганлар, мушрикларнинг таклифларига розилик изҳор этмаганлар. Балки уларнинг сўровларини кўнгилларида муҳокама қилиб, ўйлаб кўрганлар ва ўз ижтиҳодлари билан уларнинг таклифларини қабул қилиш манфаатли бўлса керак, деган ўйга бориб турганларида Аллоҳ таоло у зотнинг фикрларини тўғрилаб, ўнглаб қўйди: Анъом сурасидан бир неча оятларни нозил қилди ва Каҳф сурасида у маъноларни яна ҳам таъкидлаб, мустаҳкамлаб қўйди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қилмоқчи бўлган тадбир ҳам умуман олганда шариатга хилоф, ножоиз ёки эзгуликдан айри иш эмасди, аммо намунали, аъло ечим эмасди. Шунинг учун мазкур оятлар нозил қилинди ва улар бутун инсоният учун яна бир юксак тушунчаларни тақдим қилди.

Ҳа, Аллоҳ таоло Ўз Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга ишларнинг энг афзали ва аълосини раво кўриб, у Зотни шунга йўллади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу буйруқларни маҳкам тутиб, иззат-икром қилишда, бировни бошқадан устун қўйишда Раббоний, энг тўғри мезонда иш қилдилар:

«Албатта, Аллоҳнинг ҳузурда энг ҳурматлигингиз энг тақводорингиздир» (Ҳужурот сураси, 13-оят).

Имом Муслом Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло суратларингиз ва мол-дунёларингизга қарамайди, балки қалбларингиз ва амалларингизга қарайди», дедилар».

[1] Анъом сураси, 52-оят.

Манба: hadis.islom.uz



